

## А Ж Р И М

(жиноят ишини ярашув асосида тугатиш ҳақида)

2021 йил 8 сентябрь куни жиноят ишлари бўйича Қ шаҳар судининг очик суд мажлиси ўзбиносида бўлиб, судья Қ.Анинг раислигида, судья ёрдамчиси Л.Анинг котиблигида, тарафлардан Қ шаҳар прокурори ёрдамчиси Ғ.Р, гумон қилинувчи С.А ҳамда унинг ҳимоячиси-адвокат С.Уларнинг иштирокида

А.С.Я ўғли, 1998 йил 21 февралда У туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, ёлланма ишчи, оилали, 2 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, У тумани, К қишлоғида яшовчи

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 266-моддаси 1-қисми билан гумон қилинувчига оид **1-1503-2103/829**-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

Дастлабки тергов органи томонидан А.С.Я ўғли 2021 йил 13 июль куни соат 20:00 ларда, ўзининг бошқарувида бўлган “Ласетти” русумли 40 S 011 RA давлат рақамли автомашинасини Қ шаҳар, Т кўчаси бўйлаб, Клар кўчаси томон бошқариб бораётиб, йўлнинг Қ шаҳар, Т кўчасига етиб келган вақтда амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари” нинг 11-бандида кўрсатилган “Транспорт воситасининг ҳайдовчиси қуйидагиларга мажбурдир” г) ҳаракатланиш жараёнида пиёдалар, айниқса, болалар, ногиронлар, қарияларга ва велосипедчиларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўриши лозим”, 109-бандида кўрсатилган “Тартибга солинмаган пиёдалар ўтиш жойига яқинлашаётган транспорт воситасининг ҳайдовчиси қатнов қисмини кесиб ўтаётган пиёда(лар)ни ўтказиб юбориш учун тезлигини камайтириши ёки тўхташи шарт”, 110-бандида кўрсатилган “Агар тартибга солинмаган пиёдалар ўтиш жойи олдида транспорт воситаси ҳаракатини секинлаштира ёки тўхтаса, қўшни бўлақларда ҳаракатланаётган бошқа ҳайдовчилар бу транспорт воситаси олдида пиёда(лар) йўқлигига ишонч ҳосил қилганларидан сўнггина ҳаракатланишни давом эттиришлари мумкин” деб кўрсатилган талабларни бузиб, пиёдалар йўлкасида ҳаракатланиб, қатнов қисмини кесиб ўтаётган фуқаро Д.М.Ани автомашина олд қисми билан уриб юбориб, М.Жга содир қилинган пайтда ҳаёт учун хавfli бўлмаган, лекин соғлиқни узоқ вақт, яъни камида йигирма бир кун, аммо тўрт ойдан кўп бўлмаган даврда ёмонлашувга олиб келган ўртача оғир шикаст етказганликда гумон қилинувчи сифатида жалб қилинган.

Суд-тиббий экспертизасининг 2021 йил 7 август кунги 4976-сонли экспертиза хулосасида, М.Дда бош мия шикасти, бош мия чайқалиши, бош тепа соҳаси юмшоқ тўқималари лат ейиши, чап оёқ кичик болдир суягини юқори учлигидан ёпиқ синиши, чап оёқ болдир юмшоқ тўқималари лат ейиши каби жароҳатлар борлиги аниқланганлиги, бу жароҳатлар йўл-улов



ҳодисаси натижасида юзага келган бўлиши мумкинлиги, содир қилинган пайтда ҳаёт учун хавфли бўлмаган, лекин соғлиқни узоқ вақт, яъни камида йигирма бир кун, аммо тўрт ойдан кўп бўлмаган даврда ёмонлашувга олиб келган ўртача оғир шикастлар оифасига кириши кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ, ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд жабрланувчи М.Д ва гумон қилинувчи С.Абнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, прокурор ва ҳимоячининг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, гумон қилинувчи С.Анинг айбига иқрорлигини, етказилган зарар бартараф қилинганлигини, ярашув гумон қилинувчи ва жабрланувчининг хоҳишлари билан бўлаётганлиги учун гумон қилинувчи С.Ани жиноий жавобгарликдан озод қилиб, унга оид жиноят ишини ярашув муносабати билан тугатишни, жабрланувчи М.Дга суд ярашувни тасдиқласа, жиноят ишини қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотиши тушунтирилганлигини инобатга олишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми, 584,585-586-моддаларига амал қилиб, суд

### **А Ж Р И М Қ И Л Д И :**

Гумон қилинувчи С.А жиноий жавобгарликдан озод қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 266-моддаси 1-қисми билан А.С.Я га оид **1-1503-2103/829** сонли жиноят иши тугатилсин.

Ажрим устидан йигирма кун ичида шу суд орқали вилоят судига апелляция тартибида хусусий шикоят берилиши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи

Қ.А

